

ЎЗБЕК ВА НЕМИС ТИЛЛАРИДАГИ МАҚОЛЛАРДА “МЕҲНАТ” КОНЦЕПТИНИ ВЕРБАЛЛАШУВИ

*Убайдуллаев Шухрат Нарзуллаевич, п.ф.н., доцент,
Наманган давлат педагогика институтини
Мансурова Каромат хабибуллаевна, катта ўқитувчи
Наманган давлат университети*

Аннотация: Ушбу мақола замонавий лингвомаданиятхунослик нуқтаи назаридан олиб борилган ва дунёнинг татар ва немис лингвистик расмида "меҳнат" лингвомаданий тушунчасининг лингвистик вербализациясининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Калит сўзлар: лингвокултурология, дунёнинг лингвистик тасвири, концепция, паремиялар, лингвокултурологик таҳлил, асар.

ВЕРБАЛИЗАЦИЯ КОНЦЕПТА «ТРУД» В УЗБЕКСКОМ И НЕМЕЦКОМ ПОСЛОВИЦАХ

*Убайдуллаев Шухрат Нарзуллаевич, к.п.н., доцент
Наманганский государственный педагогический институт
Мансурова Каромат Хабибуллаевна
Наманганский государственный университет*

Аннотация: Данная статья выполнена в русле современных лингвокультурологических исследований и посвящена изучению специфики языковой вербализации лингвокультурного концепта «труд» в татарской и немецкой языковой картине мира.

Ключевые слова: лингвокультурология, языковая картина мира, концепт, паремии, лингвокультурологический анализ, труд.

VERBALIZATION OF THE CONCEPT "WORT" IN UZBEK AND GERMAN PROVERBS

*Ubaydullayev Shuxrat
Mansurova Karomat*

Absrtackt: This article is carried out in line with modern linguocultural studies and is devoted to the study of the specifics of the linguistic verbalization of the linguocultural concept "labor" in the Tatar and German linguistic picture of the world.

Key words: cultural linguistics, linguistic world-image, concept, paroemias, cultural-linguistic analysis, work.

Лингвокультурология – лингвистика ва маданиятшунослик ўртасида вужудга келган янги мустақил фандир. У халқлар маданиятининг вужудга келиш тарихи ва унинг муайян тилда акс этиш жиҳатларини ўрганади (“Лингвокультурология” атамаси биринчи бор В.В.Воробьев, В.Н.Телия ва В.А.Маслова ишларида қайд этилган).

Тил ва маданиятни лингвомамлакатшунослик фанида ўрганилади. Германияда уни *sprachbezogene Landeskunde*, яъни тилга йўналтирилган мамлакатшунослик, Францияда эса *Langue at civilisation*, Америкада *cultural literacy* атамалари билан ифодалай бошладилар.

Тил ва маданият ўртасидаги ўзаро алоқа, муносабат кўплаб олимларнинг тадқиқот объекти бўлиб келган (В.Гумбольдт, О.Есперсен, Е. М. Верещагин, В.Г.Костомаров, Т.Д.Томахин, В.А.Маслова, С.Г.Тер-Минасова, В.Н.Телия, Д.Г.Мальцова).

Тил ва маданият ўртасидаги боғлиқлик тўғрисидаги фикрлар хилма-хилдир, баъзиларида тил ва маданият ўртасидаги алоқа маълум хулқ-одоб нормаларини билиш (В.Панфилов, Б.Малиновский), бошқаларида эса коммуникатив хулқ-одоб компоненти нуқтаи назардан ўрганилса тўғри бўлади, деган фикрлар мавжуд (А.А.Леонтьев).

Тил нафақат инсоннинг маънавий маданиятини ривожлантиришга, шу билан бирга, ишлаб чиқариш тарқққиётига, меҳнат фаолиятини ўсишига ҳам таъсир этади. Тил инсонларни ижтимоий муносабатлари билан ҳам узвий боғлиқдир. Тил мулоқот воситаси сифатида тил маданий мазмун касб этувчи, ахборотларни йиғувчи ва ўзида сақловчи (кумулятив) вазифани бажарадитил нафақат инсоннинг маънавий маданиятини ривожлантиришга, шу билан бирга, ишлаб чиқариш тарқққиётига, меҳнат фаолиятини ўсишига ҳам таъсир этади. Тил инсонларни ижтимоий муносабатлари билан ҳам узвий боғлиқдир. Тил мулоқот воситаси сифатида тил маданий мазмун касб этувчи, ахборотларни йиғувчи ва ўзида сақловчи (кумулятив) вазифани бажаради.

Тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати масалалари биринчи бор олмон тилшунос олими В.фон Хумбольднинг таълимотида батафсил ёритилган. Унинг таълимотига кўра: (1) моддий ва маънавий маданият тилда мужассамлашади; (2) ҳар бир маданият миллий хусусиятга эга, унинг миллий хусусияти борлиқни тил воситасида тасаввур қилиш билан ифодаланади; (3) тил – ҳар бир халқ учун ўзига хос ички шаклга эга бўлиб, тилнинг ички шакли деганда – халқнинг “халқ руҳияти” ва маданиятининг ифодаси назарда тутилади; (4) тил – инсон ва

уни ўраб турган олам ўртасидаги воситачи ҳисобланади (қаранг: Гумбольдт В. Язык и философия культуры. – М.: Прогресс, 1985. –С. 92).

В. фон Хумбольднинг ғоялари А.А. Потебня, Э.Сепир, Ш.Балли, И.А.Боден де Куртене, Ю.Д.Апресян, Н.Д.Арутюнова, С.Г.Воркачев, А.Вежбицкая, В.А.Маслова ва бошқа тилшунос олимларнинг илмий ишларида ўзига хос талқин қилинган ва ривожлантириб борилган. Ўзбек тилшунослигида Э.Бегматов, Ш.Абдурахмонов, Н.Махмудов, Ў.Юсупов, Н.Улуқов ва бошқалар асарларида ўз ифодасини топган.

Улкан немис тилшуноси Л.Вайсгербернинг оламнинг лисоний манзараси тўғрисидаги ғояси В.Хумбольднинг ғояларига кўп томони билан ўхшаб кетади яъни ушбу соҳада уларнинг асарларида фикрдошлик кузатилади. Ўз новбатида Л.Вайсгербер ғояларини мантиқшунос М.Хайдеггер ва файласуф Л.Виттгештейнлар янада ривожлантирганлар.

Ҳозирги кунга келиб борлиқни тил воситасида тасаввур этиш муаммоси янги нуқтаи назардан ёритилган ва тилларнинг яқин алоқаси ҳамда бир-бирига боғлиқ бўлмаган тилларнинг ўзаро таъсирини таъминлаган ҳолда кўп тиллилик шароитида кўриб чиқилмоқда. Ҳар бир ўзига хос маданий ҳамжамият халқ менталитети ва уларнинг тилида намоён бўладиган миллий хусусиятлар билан ажралиб туради. Ҳар бир тил вакиллари борлиқни тил воситасида идрок этиши маълум бир тарзда акс эади, бу оламнинг лисоний манзарасига мос келади.

Йирик рус тилшунос олимаси В.А.Маслова таърифига кўра “борлиқни тил воситасида тасаввур қилиш” концептлардан ташкил топади. Лингвокультурология соҳасида концептга ҳар бир миллатнинг инсоннинг атрофдаги воқеликка ўз ифодасини акс эттирувчи асосий тушунчалардан бири ҳисобланади.

Когнитив тилшуносликда концептга турлича тавсифлар берилган. Баъзи олимлар “концепт тафаккур ҳодисаси, у фикрлаш жараёнида айни бир турдаги кўплаб предметлар, ҳатти-ҳаракатлар, тафаккур функцияларини ифодалайди” деган фикрни билдирсалар (қаранг: Аскольдов С.А. Концепт и слово / Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. – М.: Академия, 1997.– С.267.), бошқалари “концепт онг ва руҳий имкониятлар ҳамда инсон билими, тажрибасини акс эттирувчи тафаккур бирлиги” деб ҳисоблайдилар (қаранг: Кубрякова Е.С. Язык и знание (на пути знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения, роль языка в познании мира).– М.: Языки славянской культуры, 2004.– С.14.). Концептга “кенг қамровли ментал бирлик, у тузилма кўринишидаги билимнинг алоҳида бўлаги, кванти” сифатида баҳо берувчилар ҳам мавжуд (Попова З.Д., Стернин И.А. Понятие “концепт” в лингвистических исследованиях. – Воронеж. 2000.– С.4.). Ўзбек тилшунос олимлари

“концептнинг таркибида онгнинг тимсол, тушунча, ҳиссиётга оид тузилмалари бирлашади, бу тузилмалар инсон дунёқарабини акс эттирадиган воқелик тасвири – тасаввурининг асосини ташкил қилади” деган фикрни олға сурадилар (Сафаров Ш.Семантика.– Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – Б.275). У.С. Йигиталиев “концепт инсоннинг олами идрок этишида фаол ҳаракатланувчи, унинг онгида ментал равишда намоён бўладиган, тил эгаларининг дунёқараши, миллий-этник хусусиятларини акс эттирувчи бирлик” эканлигини эътироф этади (Йигиталиев У.С. Ўзбек тилида «одам» ва «жинс» концептлари билан боғлиқ ассоциатив-вербал бирликлар. Фил.фанлари бўйича фал.док.дисс. автореферати. –Т., 2020. 24 б.).

Лингвокультурологияда *концепт* деганда ҳар бир миллатнинг дунёқараши ва менталитети орқали борлиқни тил воситасида тасаввур қилиш назарда тутилади (В.А.Маслова, В.Н.Телия).

Концепт ва тушунча масалаларини лингвокультурология соҳасининг йирик намоёндаларидан В.А.Маслова ғоят синчковлик билан тадқиқ этган. Олима “Концепт – лингвокультурологик ўзига хослик билан белгиланган ва муайян этномаданият соҳибларини у ёки бу тарзда тавсифловчи семантик тузилмадир. Концепт сўз маъносидан бевосита келиб чиқмайди балки, сўзнинг луғавий маъноси инсоннинг шахсий тажрибаси ва халқ тажрибаси билан тўқнашуви натижасида пайдо бўлади” деган фикрни билдиради (В.А.Маслова). Олиманинг фикридан “концептлар ўзида миллий маданият белгиларини намоён этиши ва бевосита маданият билан узвий боғлигини” англаш мумкин.

Ўзбек ва немис тилидаги “*ҳақиқат*”, “*қарз*”, “*бурч*”, “*тақдир*”, “*ҳаёт*”, “*ўлим*”, “*эркинлик*” сингари концепт қаторлари таркибига шубҳасиз “*меҳнат*” концептини ҳам киритиш мумкин.

Дунё халқлари ўртасида кенг қўлланиб келинаётган халқ мақолларнинг кўп қисмини меҳнат аҳли, меҳнатнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини улуғловчи мақоллар ташкил этади. Чунки халқ мақолларнинг барчаси меҳнат жараёни билан боғлиқ бўлиб, уларда меҳнатга муҳаббат, ҳурмат, дангаса ва текинхўрликни қораловчи халқнинг қарашлари мужассамлашган. Инсоннинг меҳнатга бўлган муносабати ҳаётда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун инсонни камол топишида, унинг ҳаётини фаровонлаштиришда асосий восита меҳнат эканлигини ифодаловчи мақоллар тил ва маданиятда ҳам муҳим ўринга эга.

Меҳнатга муносабат инсон ҳаётининг энг муҳим хусусиятларидан биридир, шунинг учун тил ва маданиятда кўп тимсолларни ифодалайди.

“Меҳнат” концепти билан боғлиқ масалаларни В.Басова, Т.В.Гоннова, К.А.Жуков, Р.Х.Каримова, Е.В.Кормакова, Т.А.Островская, В.Г.Токарев, О.Е.Чернова сингари тилшунос олимлар илмий ўрганганлар. Ўзбек

тилшунослигида Ф.Саломов, А.Дониёров, М.Рўзиқулова, А.Маматов, Б.Йўлдошев, Б.Жўраева каби олимлар томонидан фразеологизмнинг объекти сифатида ибора, идиома, мақол, матал кабиларнинг илмий тадқиқига доир, ўзбек ёзувчи, шоирлари асарларининг тили ва услубига оид кўпгина изланишлар, номзодлик ва докторлик диссертацияларида мақолнинг маъновий, услубий хусусиятларини ўрганишга эътибор қаратилган ишлар бажарилиши билан мақолнинг лингвистик хусусиятларини илмий ўрганишга асос солинди.

Ўзбек тилшунослик илмида лингвокультурология йўналишида қатор илмий ишлар олиб борилган. Жумладан, ўзбек тилшунослигида лингвокультурологиянинг илмий асосланиши, маданиятнинг тилда акс этиши масалаларига оид дастлабки ишлар сифатида А.Нурмоновнинг “Ўзбек тилида лингвокультурологик йўналиш”, Н.Маҳмудовнинг “Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб”, “Ўхшатишлар – образли тафаккур махсули”, Н.Сайидрахимованинг “Лингвокультурологиянинг илмий асосланишига доир айрим мулоҳазалар”, “Лингвокультурологиянинг компонентлари” номли мақолаларини, Д.Худайбергеновнинг “Матннинг антропоцентриқ тадқиқи” мавзусидаги монографиясини келтириш мумкин.

Ўзбек ва немис халқ мақоллари умум фольклор контекстида бир негизга мансуб бўлмасада, мақолларнинг яратилиш тарихи ва вужудга келиш асосларини текшириш орқали улар орасидаги муштарак ва фарқли жиҳатларни аниқлаш, мақолларнинг тадрижий тараққиёт босқичларини текшириш, халқнинг фалсафий ва бадиий-эстетик қарашларида ижтимоий-тарихий ва географик муҳитнинг ўрнини белгилаш, шунингдек, ўзбек ва немис халқ мақолларининг лингвокультурологик ҳамда лингвостилистик масалалари илк марта ўрганилмоқда.

Ўзбек тилшунослигида халқ мақолларининг лексик-семантик хусусиятларини ёритиш, мақолда сўзларнинг қўлланиши, функционал маъноларни ифодалаши, услубий хусусиятларидаги ўзига хосликларни аниқлаш, мақолнинг ёндош ҳодисаларга муносабатини аниқлаш, шу асосда унинг лисоний мавқеини белгилаш, мақол пайдо бўлишининг интралингвистик ва экстралингвистик омиллари ҳамда прагматик хусусиятларини тизимли ўрганишда Б.Жўраева самарали иш олиб борди.

Б.Жўраева ўз тадқиқот ишида мақолнинг идиома, ибора ва маталлар билан умумий ҳамда фарқли белгиларини, мақоллар пайдо бўлишининг экстралингвистик омиллари ҳайвон номлари, касб-кор, диний, уй-рўзғор тушунчалари, вақт, ўсимлик, табиатҳодисалари номлари, ўзбек халқи турмуши воқелиги асосида шакланганмақоллар таснифи асосида иерархик далилларни мисоллар орқали ёритиб беришга ҳаракат қилган. Тадқиқотчи шулардан келиб чиқиб, мақолга қуйидагича таъриф беради: мақол шунчаки сўзлар тизмаси

бўлмай, балки ўткир кузатувчанлик асосида вужудга келган фикрларнинг хулосаси, бу хулоса жамоатчилик томонидан тасдиқланган ва юқоридаги икки шартга жавоб берувчи ибратли фикр ихчам, мукамал, бадий жихатдан пухта, қрисстал шаклга эга бўлиши шарт.

Ўзбек ва немис халқларнинг паремиологик ҳазинасига мурожаат қилиш, тарихий шароит ва маданий муҳитнинг ўзгариши билан турли мамалакатларда яшовчи халқларнинг мақоллари ўртасида ҳам ўхшашлик, ҳам турли тафовутлар мажбурлигини кўрсатади.

Мақоллар лингвокультурологик тадқиқотларни олиб боришда, замонавий тилшунослик фанидаги тушунчаларни ўрганишда минтақавий, лингвистик ва умуман маданий маълумотларнинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилиб келмоқда (А.Н. Баранов, Е.М. Верешчагин, В.Г. Костомаров, С.Г. Воркачев, В.А. Маслова, И.А. Стернин, З.Д. Попова, С.Г. Тер-Минасова).

В. фон Хумбольд таъбири билан айтганда, мақол – халқнинг “халқ руҳияти”, ўзига хос менталитети ва маданиятининг ифодалайди. Бу эса оғзаки ёки ёзма мулоқот жараёнида ахборотни узатувчи ёки қабул қилувчига осон етиб бориш ва осон идрок этиш имконини яратади. Бу жараёнда мақоллар ижод этилмайди, балки тайёр холда қўлланади.

Сўзлашув нутқда мақоллардан мунтазам фойдаланиб келиниши сабабли, уларда энг керакли сўзлар, тушунчалар сақланиб қолиши билан уларни ташувчиларининг борлиқни тил воситасида тасаввур этишларини, дунёқарашини ифодалайди деган хулосага келишимиз мумкин.

Халқ донишмандлигининг бадий кўзгуси ҳисобланган мақолларда жамият ривожланишининг у ёки бу босқичидаги ҳолатини намоёиш этувчи ҳаёт тарзи, урф-одатлари ва менталитети ўз ифодасини топади. Мақол ва маталларни синчиклаб тадқиқ этган Н.Барли ёзишича "Аксарият паремиялар асосида маданий нуқтаи назардан баҳолашни ифодаловчи элементлар мавжуд ..." [4: 136].

Лингвокультурологиянинг ўрганиш предмети сирасида мақоллар алоҳида ажралиб туради. Зеро, уларда халқнинг асрлар давомида тўплаган бу тажрибасини, ақл-заковатини намоён қилади. Мақоллар онгда стереотип сифатида ўрнашади, шу асосда инсон атрофида ва ўзида кечаётган ҳодисаларни баҳолайди. Тилда борлиқни баҳолашнинг миллий-маданий мезони сифатида яшайди.

Бизнинг тадқиқотимиз лингвокультурологик соҳаси доирасида амалга оширилган бўлиб, асосий мақсад – ўзбек ва немис тилидаги халқ мақолларида учрайдиган “меҳнат” концептини қиёсий ўрганиш жараёнида турли тил ва маданият, табиий иқлимга мансуб халқларнинг ўзига хос дунёқарашини, тилдаги семантик белгиларнинг уйғунлиги, мослиги ва икки этнос маданиятларининг ўзаро муносабатини аниқлаш. Тадқиқот объекти сифатида культурологик ва

тарихий шаклланиб келаётган, стилистик бўёқдор меҳнат ҳақидаги мақоллар хизмат қилади.

Ўзбек ва немис халқ мақоллари дунёдаги бошқа халқларда бўлгани каби мавзу жиҳатидан хилма-хил ва ранг-барангдир. Улар мазмунига ватан, халқ, меҳнат, оила, олий инсоний фазилатлар каби инсон ҳаётида муҳим ҳисобланган масалалар ҳақидаги ҳукмлар сингдирилган. Шунинг учун ҳам мақолларни халқларнинг оғзаки қомуси билан тенглаштириш одат тусига кирган (қаранг: О.Мадаев, Т.Собитова).

Ўзбек ва немис халқ мақолларида бу икки халқларнинг доно сиймоси, тарихий тақдири, менталитети, бағрикенглиги, саховати, адолатпешалиги, илмга, меҳнатга чанқоклиги, бунёдкорлиги, меҳмондўстлиги, оилапарварлиги, болажонлиги, меҳмоннавозлиги, тўғрилиги, севги-садоқати, жўшқинлиги, тийраклиги, ғайрат-шижоати, қувончи, изтироби, дунёқараши, душманларига қаҳр-ғазаби, бетакрор урф-одатлари ва анъаналари яққол акс этиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурахимов М.М. Краткий узбекско-татарский словарь пословиц и поговорок. –Казань: Татар.кн. изд-во, 2010. –527 с.
2. Басова Л.В. Концепт ТРУД в русском языке (на материале пословиц и поговорок): автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Тюмень, 2004. – 19 с.
3. Барли Н. Структурный подход к максиме // Паремнологические исследования. – М.: Наука, 1984. – С.127 – 149.
4. Гумбольдт В. Язык и философия культуры. – М.: Прогресс, 1985. – 450 с.
5. Маслова В.А. Когнитивная лингвистика: учеб. пособ. – Мн.: Тетра Системс, 2005. – 255 с.
6. Sobirova, M. & Shermatova, D. (2021). Innovative Technologies of Teaching in the Field of Higher Education Techniques. [Design Engineering](http://thedesigneengineering.com/index.php/DE/issue/view/31). International Research Journal of Advanced Engineering and Science (IRJAES) СКОПУС 5288-5295 <http://thedesigneengineering.com/index.php/DE/issue/view/31>.
7. Sobirova, M. (2021). The use of integrated technology in the teaching of humanism in language education. POLISH SCIENCE JOURNAL (ISSUE 1(34) - Warsaw: Sp. z o. o. "iScience", 2021. Part 3 – 234 p. <https://sciencecentrum.pl/wp-content/uploads/2021/01/POLISH%20SCIENCE%20JOURNAL%20%E2%84%9634%20-%203%20%28web%29.pdf> стр. 98-105
8. Sobirova, M. (2020). International Scientific Journal “Theoretical & Applied Science” SOI: 1.1/TAS (<http://t-science.org/arxivDOI/2020/12-92.html>) (DOI:10.15863/TAS Published: 18.12.2020.
9. Абдулвоҳидов Э. Художественное выражение преемственности поколений трудах Чингиза Айтматова // “Scholar” scientific journal volume 1,

issue 35, december, 2023. Scholar, 1(35), 150–160.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10442301>.

10. Абдулвохидов Э. Переплетение художественной и педагогической мысли в произведениях писателей-философов // International Conference on Advance Research in Humanities, Applied Sciences and Education, Hosted from New York, USA. Jan. 28th 2023, <https://conferencea.org>.

11. Абдулвохидов Э. Место и значение художественной литературы в повышении эффективности деятельности учителя // International Conference on Innovations in Applied Sciences, Education and Humanities, Hosted from Barcelona, Spain, Jan. 29th 2023, <https://conferencea.org>

12. Egamberdiyeva S. BOLALAR FOLKLORIDA BESHIK QO'SHIQLARI POETIKASI // O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. – 2023. – T. 2. – №. 17. – С. 61-67. <https://bestpublication.org/index.php/ozf/article/view/4233/4052>

13. Mamajonovna S. E. O'ZBEK XALQ OG'ZALI IJODIDA ONALIK FOLKLORI POETIKASI // THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH. – 2023. – T. 2. – №. 13. – С. 67-73.

<https://interonconf.org/index.php/taare/article/view/2654/2375>

14. Mamajonovna E. S. O 'ZBEK VA TURK ALLALARIDA OTA OBRAZINING QIYOSIY TALQINLARI // Konferensiyalar| Conferences. – 2024. – T. 1. – №. 4. – С. 561-564.

<https://uzresearchers.com/index.php/Conferences/article/view/1851/1689>

15. Habibullayev, Nodirbek Nosirjon O'G'Li QOZOQ VA O'ZBEK TILIDAGI MODAL SO'ZLAR CHOG'ISHTIRMASI // ORIENSS. 2023. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/qozoq-va-o-zbek-tilidagi-modal-so-zlar-chog-ishtirmasi> (дата обращения: 01.02.2024).

16. Tojiddinova N. H. LINGUOCOGNITIVE FEATURES OF THE PUZZLES IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES // Scientific Impulse. – 2022. – T. 1. – №. 4. – С. 1099-1101. <https://nauchniyimpuls.ru/index.php/ni/article/view/1922/1484>

17. Tillayeva R. O 'QUVCHILAR FAOLLIGINI OSHIRIHSIDA TADQIQOT ISHI TASHKIL ETISH SAMARADORLIGI // O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI YOSH FILOLOG OLIMLAR JAMIYATI. С.439. https://tsuull.uz/sites/default/files/02_06_22_toplam_til_va_adabiyot_ilmiy_va_amaliy_izlanishlar_yolidagi_0.pdf#page=439

18. Убайдуллаев Ш.Н. Чет тил дарсларида маданиятлараро мулоқотга ўргатишнинг асосий хусусиятлари. Best Practices in Distance Education in Learning

Foreign Languages. International Scientific Conference. –Т., UzSPIC. 2009. – P. 277-279.

19. Убайдуллаев Ш.Н. Символические значение цвета в фразеологических единицах на материале английского, немецкого, русского и узбекского языков. International Scientific Journal. Philadelphia, USA. 2019. №12. –P. 42-44. (ISSN:2409-0085)

20. Убайдуллаев Ш.Н. Формирование социокультурной компетенции на основе фразеологических единиц. International Scientific Journal. Philadelphia, USA. 2019. –№12. –P. (ISSN:2409-0085)

21. Dehqanova G. A., Polvanova M. F. NATIONAL-CULTURAL SPECIFICITY OF PHRASEOLOGICAL UNITS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES //RESEARCH AND EDUCATION. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 159-164.<https://researchedu.org/index.php/re/article/view/545/544>

22. Dehqanova Guljahon Ahmadjonovna. (2023). NATIONAL -CULTURAL CHARACTERISTICS OF LEXICAL UNITS EXPRESSING THE ECONOMICAL CONDITION OF A PERSON'S LIFE IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7951344>

23. Bobajonova Mavjuda. International Journal of Formal Education. ISSN:2720-6870 . Development of Lingvokultural Inofons Competense on Russian Lessons. <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe>

24. Komiljon o'g O. Y. et al. CHARACTERISTICS OF LITERARY TRENDS OF AMERICAN LITERATURE //Научный Фокус. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 1202-1208. <http://nauchniyimpuls.ru/index.php/sf/article/download/9347/6053>